



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш, уларнинг ушбу нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этишини ҳамда юқори натижаларга эришишини рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишдаги чексиз ватанпарварлиги мисолида ёш авлодни ўз Ватани учун ғурурифтхор руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт кўмитаси Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси билан биргаликда: Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро танлов мусобақаларида лицензияни қўлга киритган спортчилардан мамлакат терма жамоасини шакллантирсин; мамлакат терма жамоасининг ўқув-машғулот йиғинларининг яқунловчи босқичида Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришини ва халқаро лицензион мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишини ташкил қилсин; мамлакат терма жамоаси спортчиларини зарур миқдорда спорт анжомлари, инвентарлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси спорт делегациясининг таркиби ва унинг харажатлар сметаси тасдиқлансин. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт кўмитасига харажатларнинг тасдиқланган сметасига ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорт шарафига муносиб ҳисса қўшганини эътироф этиш мақсадида Давлат спорт кўмитасининг 2004 йил учун календарь режасида назарда тутилган маблаглар ҳисобидан куйидаги миқдорларда бир марта-

лик мукофотлар белгилансин: олтин медаль учун — 100 000 АҚШ доллари; кумуш медаль учун — 50 000 АҚШ доллари; бронза медаль учун — 25 000 АҚШ доллари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат спорт кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда белгиланган мукофотларни бериш тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт кўмитаси буюртманомаларига биноан мамлакат терма жамоасини зарур дори-дармонлар, фармакология препаратлари ва биология фаол тикланish воситалари билан таъминласин; мамлакат терма жамоасига номзодлар учун даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этишга ёрдам берсин.

5. Давлат спорт кўмитаси ва Миллий олимпия кўмитаси Ўзбекистон спорт делегациясининг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик учун республикага мақсадли равишда олиб келинадиган махсус спорт анжомлари ва инвентарлар, спорт кийимлари учун божхона тўловларидан

(божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин. 6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги халқаро мусобақалар иштирокчилари — Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари учун хорижга чиқиш ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси: Ўзбекистон спорт делегациясининг Тошкент-Афина-Тошкент йўналиши бўйича имтиёзли шартларда учинсин;

8. "Совпластитал" қўшма корхонаси, "Оникс" ишлаб чиқариш бирлашмаси ва "Фонон" акциядорлик жамиятига халқаро мусобақаларга боратган республика спорт делегацияси учун Давлат спорт кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси эскизлари бўйича эсдалик буюмларини имтиёзли шартларда тайёрлаб бериш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, "Узтелевизио" компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт кўмитаси XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон терма жамоасининг халқаро мусобақалардаги иштироки оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 7 июнь.

Семинар-кенгаш иш бошлади

Европа — Кавказ — Урта Осиё транспорт йўлига — ТРАСЕКА бугунги кунда Европа иттифоқининг бу борадаги давлатлараро дастурий асосий қисми бўлиб, унда бир қатор муҳим мақсадлар илгари сурилган.

1998 йилнинг сентябрь ойида Боку шаҳрида ТРАСЕКАга аъзо 12 мамлакат вакиллари билан урчашуви бўлиб ўтиб, унда, ТРАСЕКАни барқарорлаштириш борасида халқаро транспорт ҳамкорлиги тўғрисидаги кўп томонлама битим имзоланган эди. Кеча Тошкентдаги Олий ҳарбий божхона институти-

порт тармоқларида раҳбар кадрлар малакасини ошириш, замонавий технология, янги коммуникация тармоқлари билан ишлаш таъминлаш, ўзаро таъриба алмашишни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ТРАСЕКА лойиҳасининг келажакдаги истиқболи кўриб чиқилди. Семинарда транспорт, божхона маъмурияти ва бошқа тизим вакиллари ҳам иштирок этди.

Янги қўшма корхоналар

Ургут туманида маъсулияти чекланган жамият шаклида "Sam-NUR-TAFIZ" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Йигирмадан зиёд ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхонада маҳаллий хомашдан гилам, палос, линолуум маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида афғонистонлик ишбилармонлар

билан ҳамкорликда "Umid-Nabizoda" қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу ерда табиий маҳсулотлардан қандолат ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. "Umid-Nabizoda"да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билак турдош маҳсулотлардан фарқ қилади.

А. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Бурғуловчилар устаси

Одатда геологларни «тиниб-тинчимас одамлар» дейишади. Ҳақиқатан ҳам, улар тову тошлар, қир адиралар оша юриб, аввал еростни бойлашларини қидириб топадилар. Сўнгра уни қазиб оладилар. Олим Мавлонов ҳам бундан 20 йил аввал Уст-Юрт бурғулаш ишлари бошқармасида оддий ишчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Бугунги кунда у бошқарманинг «Учсой» участкасида бурғуловчилар устаси ҳисобланади. Қўлаб шогирдлари эса уста билан ёнма-ён ишлаб, янги-янги конларни очмоқдалар.

СУРАТДА: уста Олим Мавлонов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҲОКИМ, ҲОЛВА, ҒУРУР ВА АНДИША

Сессияда сўзга чиққанымда...

Тошкент (ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА). "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайри жамғармасининг "Оила" тиббий марказида кам таъминланган оилалар фарзандларини ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун кундузги шифохона очилди. У Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жамғарма билан биргаликда ташкил этилди.

Соғлом ўсинг, болажонлар!

Бундай шифохонани ташкил этиш тўғрисида қарор Меҳр ва мурувват йил муносабати билан мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган давлат дастурлари ижроси доирасида қабул қилинган эди. Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Соғлом авлод учун" жамғармаси Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини доимий ва ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бундан ташқари болаларнинг яхши дам олиши учун барча шароит яратилган. Марказ ҳудудида болалар майдончаси, сузиш ҳавзаси бор. Тасвирий санъат ва бадиий ижод тўғрисидаги ишлар турари. Болалар учун пойтахт боғлари ва ҳайвонот боғига ҳам саёҳат уюштирилади. Кундузги болалар шифохонаси очилишида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова қатнашди.

Куни кеча, қисқа фурсат ичида, кетма-кет икки вилоятда ҳоким алмашди. Билмаган одамга бу тадбир кўнглидан содир бўлгандай туюлиши мумкин. Аслида, ташкилий сессия олдидан узок вақт тайёргарлик боради, неча-неча комиссия неча ҳафта-неча мавжуд аҳолини ҳар томонлама ўрганади, таҳлил қилади, турли тарозиларга солиб кўради, ана шундан кейингина маълум бир қарорга келинади.

Нега бунча ташвиш-тадорик? Мухимдан-муҳим қўшларини қўйиб нега шунча одам оворга? Мақсад эса маълум: юзга келган ноҳус вазиятни ўнглаш, яра маддалаб кетмасдан унинг олдинчи олиш, зарур бўлса — кесиб ташлаш! Бунда ҳаммага гап бориб-бориб бир масалага боғлиқ бўлиб чиқарди, аниқроқ айтганда, бир кишига тақалади. Унинг инсоний-ахлоқий қўйфасига, замон талабларига муносиб-номуносиблигига, ғайрат-шижоатига. Вилоят етакчиси оқил, кўли тоза, дили тоза бўлса, билинги, қолган катта-кичик раҳбар ҳам унга эргашади, ундан ўрнак олмаққа тиришади. Етакчи эгри, номуносиб бўлгани, бошқаларни ҳам бало урди деяверинг. Шуниси гапга вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий вазиятга бе-малол баҳо бераверсангиз — янглишмайсиз. Балиқнинг боши ҳақидаги нақл шундан олинган. Бош соғ бўлса — тана, узвлар ҳам сало-

мат ва ёхуд акси. Модомики, масала шу қадар жиддий, яъни бутун боши бир вилоят тақдирини билан боғлиқ экан, модомики, вилоятга раҳбар бўлажак одам неча-неча номзодлар орасидан энг маъқул-муносиби сифатида танлаб-саралаб олинган экан, нега бир-икки йилга борар-бормас, унинг миси чиқади? Кечгагина кўтар-кўтар қилиб мансабга ўтказган "қаҳрамон"имиз бугун нега юзи қора бўлиб ишдан қувилди? Нима, номзодни танлаш-саралашда хатога йўл қўйилди? Балки ҳокимлик тизимининг ўзи ҳали унча мукамал эмасдир? Еки номзодни юз фозил қўлаб-қувватлаб, гулдўрос чапақлар билан уни лавозимга тасдиқлаган биз — халқ вакиллари бўлиши депутатлардами ҳамма айб?

Хар гал вилоят ҳокимлари ўзгарганда киши шу каби мулоҳазаларга боради. Дарҳақиқат, бундай кескин эврилиш, айнишларнинг сабаби нимада? Одатда ташкилий сессияларда ўша вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ҳам ҳозир бўлиб, мавриди келса, музокара-муҳокамада қатнашади. Бир марта бундай шараф қаминга ҳам насиб этган, шу борада икки лўкма сўз айтсам бўлар. Пойтахтдан бориб вилоят минбарига сўзга чиққан одамга, табиийки, маҳаллий депутатлар ва раҳбарлар ҳавас билан, гоҳ бирмунча ғашлик билан қарай-

ди. Бу кишим ҳар сафар Президентга эргашиб келиб, минбарларга чиқиб сайраб беради, ўзи эса бу ердаги ахволдан беҳабар, дея бирда хушлаб, бирда хушламай гап қиладиганлар ҳам бўлади.

Мен ўша "минбар сайроқилари"га ҳавас қилмайман. Ҳечам осон тутиб бўлмас уларга. Икки ўт ўртасида турганга ўхшайсиз. Қайси бармоғингизни тишламаган — бири берида баттар зирқирайди. Бир ёқда бош раҳбар "Қани, азамат, гапир-чи, шу ернинг фарзандисизми? Сен қаёққа қарадинг?" дегандек, сўз кутса, бир ёқда кадрдон юртдошларингиз "Сени ардоқлаб пойтахтларга арзанда вакил қилган эдик, кўрсатган қаромадинг шунми?" дея ҳисоб сўрайди! Бари боланда сиз айбдордек, юзингиз шувут, минбарда хижолатомуз гангиб турасиз. Ҳолва ҳоким борасидаги машҳур нақл хуруж қилиб келди-ю, лекин қўруқ ва андиша тилингизга кишан солади. "Хар боғдан — бир гул" қабилида танланган айрим маҳаллий нотиклар-ку ҳокимликнинг чапдаст мутахассислари компьютердан чиқариб берган ҳўжа-лик ҳисоботи ёки ҳар ёнга бир таъзимму салланмодан иборат "сўз"ларини шарилатиб ўқиб, минбарни тарк этаверди, аммо юракдан чиқариб икки оғиз гапирман деган одамга қийиндан-қийин: осон тутиб бўлмайди. Бу ҳолнинг нимасига

ҳавас қилиш мумкин? Хуллас, Сурхондарё вилоятидаги сессия пайти биз ҳам камтарона фикрларимизни жамлаб, ўзимизча сўзга чоғланиб ўтирдик, бирок бунга ҳожат қолмади. Президент маърузасида ҳамма гап батафсил айтилди. Музокарага чиққан маҳаллий нотиклар ҳам бийрон-бийрон гапириб, маърузани маъқулладилар. Шундан сўнг биз мажлисда айтолмаган қолган баъзи мулоҳазаларимизни газета орқали баён қилмоққа ҳазм этдик.

Ёв қочганда ботирлик дегандек, мансабидан бўшатилган одамнинг ордан тош отмакдан ёмони йўқ. Отдалик чоғида қўлуқ қилиб, отдан тушган тепиб ўтиш — номардиннинг иши. Бировга қўлуқ қилгани миз-ку йўқ, фурсатдан фойдаланиб уни тепиш ниятида ҳам эмасмиз. Қолаверса, асосий маърузада сойқ ҳокимнинг иш фаолиятига ҳаққоний баҳо берилди, кирдиқорларни очиб ташланди. Лекин кечгагина шу номзодни қўлаб, ёш, ғайратли йигит дея таърифлаётарайки кизига солиб отга ўтказганлар сафида биз ҳам бор эдик-да! Бугун энди ўзимизни четга олиб, томошабин бўлиб турсак, мардликдан саналадими?

Икки йил бурунги ўша сессияда Президентимиз навирон раҳбарга "Ёшиз, ука, лекин бугундан ётиборан вилоятга, катта-кичик

(Давоми 2-бетда).

Парламент соати

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси ўзининг сайёр йиғилишини Наманган шаҳрида ўтказди. Унда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонуналарнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир қисмининг Наманган вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари давлат ҳокимияти ижро этувчи органлари раҳбарлари иштирок этган мазкур йиғилишни кўмита раиси М. Сафиева олиб борди.



Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

Депутатлар ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган текширув шунини кўрсатдики, вилоятда фуқаролар соғлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Бу ерда республика Шошилини тиббий ёрдам марказининг жаҳон андозалари талабларига мос, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган филиали ишлаб турибди. Вилоятнинг ўн битта туманида ишчи филиалари ташкил этилган. Касалликларни вақтида, малакали тарзда аниқлаш учун неврология, урология, кардиология ва орталмология диспансерлари, «Она ва бола» скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда мактаб ўқувчиларини диспансер кўригидан ўтказиш ва соғломлаштириш ишлари ҳам дуруст йўлга қўйилган. Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ногиронларнинг тиббий ва ижтимоий йўналишдаги реабилитациясига алоҳида эътибор берилмоқда. 748 ногирон соғломлаштиришга йўналтирилган яқна тартибдаги реабилитация дастури асосида даволанган.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, бу борада ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Болалар ўртасидаги ногиронлик

кўрсаткичлари, умуман олганда, турғун ҳолатда. Аммо айрим ҳудудларда, хусусан Чуст, Чортоқ, Минбулок ва Косонсой туманларида бу кўрсаткич ҳамон юқорилгича қолмоқда.

Айрим соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник таъминотида камчиликлар мавжуд. Жумладан, Шошилини тиббий ёрдам марказининг Уйчи тумани филиали, Тўрақўрган тумани марказий касалхонасининг туғуруқ бўлими биноси санитария-эпидемиология талабларига жавоб бермайди. Уйчи тумани марказий касалхонаси биносида ҳамда шифохона ёнида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Кошунга зид равишда лицензиясиз, санитария талаблари ва меъёрларига жавоб бермайдиган дорихона шохбчалари ишлаб турибди.

Кўмита аъзолари вилоятда бўлиш асносида соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий таъминот тизими ходимлари билан учрашувлар ўтказиб, парламентимизнинг XIV сессиясида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳақида муфассал гапириб бердилар. Мамлакатимиз Президентининг халқ депутатлари Андижон ва Сурхондарё вилояти кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқларини илгари сурилган асосий қоидалар хусусида атрофлича фикрлашиб олдилар.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якулига бағишланган йилги ҳисоботида Давлат мўлки қўмитаси Иқтисодий вазирлик ҳузуридаги Иқтисодий нотибкор қорхоналар ишлари қўмитаси билан биргаликда бир ой мўддат ичида паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва Иқтисодий нотибкор қорхоналарини ҳамда паст ликвидли объектларнинг ҳолатини таҳлил қилиб, уларни 2004 йилда инвестиция мажбуриятлари асосида бепул бериш мақсада муроғатлиги бўйича ҳукуматга тақлиф киритиш вазифаси топширилган эди.

Жозибадор лойиҳага — бепул мулк

Ушбу вазифа юзасидан ўтказилган иқтисодий таҳлиллар ва жойларга бевосита бориб ўрганилган ҳолатлар юзасидан ҳукуматга амалий тақлиф ва тавсиялар тақдим этилди. Натижада жорий йилнинг 5 май кунини Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мўлки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш шартлари тўғрисида"ги 209-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, 31 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий нотибкор қорхоналарини ҳамда 177 та ҳўжалик бирлашмаларининг давлат активларини ва 94 та паст ликвидли объектларини — жами 302 та қорхона ва объектни аниқ мулкдорларга сотиш, ҳўсулсизлаштирилган қорхоналарни замонавийлаштириш ва техникавий жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш шартли билан бепул беришга қарор қилинди.

Ушбу даврнинг ўз бошидан кечирган ҳар қандай ривожланган давлат тарихидан ҳам маълумки, ҳали бу каби давлат мулкнинг инвесторларга бепул бериш амалиёти бўлмаган. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос моделга эга эканлигидан далолатдир.

Ҳукумат қарорининг асосий шартларидан бири, бу давлат қорхоналари ва объектларини фақат танлов асосида энг яхши жозибадор инвестиция лойиҳаларини берган шахсга, инвесторларга бепул беришидир. Бунда қорхонанинг мавжуд кредитдорлик қарзини тўлаш мажбурияти сармоядор зиммасига юклатилади.

Ҳукумат қарориде мазкур объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришда қуйидаги имтиёзлар ҳам кўзда тутилган:

- паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий нотибкор қорхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардан мавжуд бўлган барча қарзлари, шу жумладан, улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималари ҳисобдан чиқарилади;
- мулкдор шахс инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартли билан бепул олинган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий нотибкор давлат қорхонаси (унинг мол-мулки), паст ликвидли объект бўйича тегишли равишда даромад (фойда) солиғига ҳамда жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ тортилмайди;
- инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш учун қўшилган пул маблағлари, моддий бойликлар ва бошқа активларга даромад (фойда) солиғи солинмайди.

Қарорнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, унга кўра, паст ликвидли давлат қорхоналари ва объектлари билан биргаликда, ҳўжалик бирлашмалари (жамиятларидаги давлат активлари ҳам инвестиция мажбуриятлари асосида бепул берилиши жорий қилинади.

Ислохотларни татбиқ этишда паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий нотибкор давлат қорхоналарини ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича тўзилган ҳудудий комиссиялар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳудудий комиссияларга Давлат мўлки қўмитаси ҳамда Иқтисодий вазирлик ҳузуридаги Иқтисодий нотибкор қорхоналар ишлари қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда қарорнинг тўлиқ амалга оширилишига қўйилган қорхона ва объектлар бўйича таълиқ қилинганга қадар:

- қорхоналар ва объектларни инвестиция мажбуриятлари билан биргаликда, ҳўжалик бирлашмалари (жамиятларидаги давлат активлари ҳам инвестиция мажбуриятлари асосида бепул берилиши жорий қилинади.

ларини кўзда тутиш ваколатлари ҳудудий комиссиялар ичтёрига берилган.

Ушбу ҳукумат қарорининг ижросини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Давлат мўлки қўмитаси ва Иқтисодий нотибкор қорхоналар қўмитаси томонидан қўшма буйруқлар қабул қилинган бўлиб, унга кўра, инвесторларга қўлай иш имкониятини яратиш учун мақсус бизнес режаси ва қорхона, объектни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шартли билан бепул олганлиги тўғрисидаги тузилган шартномалар лойиҳаси инвесторларга тақдим этиш учун ишлаб чиқилди.

Мажбурият шартномасида инвестор ўз мажбуриятларини асосли сабабларга кўра бажара олмаган тақдирда, уларга қўшимча имконият бериш, сарфлаган харажатлари учун қаролат яратиш, қорхона ва объект йўналишини ўзгартириш ҳамда инвестиция шартини бажариб бўлмаганда кейинги эгаллик қилиш ваколатлари аниқ кўзда тутилган.

Албатта, бу борада, инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб борилади. Улар бажарилмаганда ёки зарур даражада амалга оширилмаганда бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади, бунда мулк ўрнатилган тартибда инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шартли билан қайтадан танловга қўйилади.

Шу кўнларда 60 га яқин қорхона ва объектларни инвесторларга бепул бериш мақсадида Давлат тендер комиссиясига уларнинг рўйхати киритилмоқда. Мазкур комиссиянинг тасдиқдан ўтган сўнг танловлар эълон қилинади. Танловлар ҳар қандай шахслар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Шухрат ЖАБОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.



Ушбу вазифа юзасидан ўтказилган иқтисодий таҳлиллар ва жойларга бевосита бориб ўрганилган ҳолатлар юзасидан ҳукуматга амалий тақлиф ва тавсиялар тақдим этилди. Натижада жорий йилнинг 5 май кунини Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мўлки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш шартлари тўғрисида"ги 209-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, 31 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий нотибкор қорхоналарини ҳамда 177 та ҳўжалик бирлашмаларининг давлат активларини ва 94 та паст ликвидли объектларини — жами 302 та қорхона ва объектни аниқ мулкдорларга сотиш, ҳўсулсизлаштирилган қорхоналарни замонавийлаштириш ва техникавий жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш шартли билан бепул беришга қарор қилинди.

Ушбу даврнинг ўз бошидан кечирган ҳар қандай ривожланган давлат тарихидан ҳам маълумки, ҳали бу каби давлат мулкнинг инвесторларга бепул бериш амалиёти бўлмаган. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос моделга эга эканлигидан далолатдир.

Ҳукумат қарорининг асосий шартларидан бири, бу давлат қорхоналари ва объектларини фақат танлов асосида энг яхши жозибадор инвестиция лойиҳаларини берган шахсга, инвесторларга бепул беришидир. Бунда қорхонанинг мавжуд кредитдорлик қарзини тўлаш мажбурияти сармоядор зиммасига юклатилади.

Ҳукумат қарориде мазкур объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришда қуйидаги имтиёзлар ҳам кўзда тутилган:

- паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий нотибкор қорхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардан мавжуд бўлган барча қарзлари, шу жумладан, улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималари ҳисобдан чиқарилади;
- мулкдор шахс инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартли билан бепул олинган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий нотибкор давлат қорхонаси (унинг мол-мулки), паст ликвидли объект бўйича тегишли равишда даромад (фойда) солиғига ҳамда жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ тортилмайди;
- инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш учун қўшилган пул маблағлари, моддий бойликлар ва бошқа активларга даромад (фойда) солиғи солинмайди.

Қарорнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, унга кўра, паст ликвидли давлат қорхоналари ва объектлари билан биргаликда, ҳўжалик бирлашмалари (жамиятларидаги давлат активлари ҳам инвестиция мажбуриятлари асосида бепул берилиши жорий қилинади.

Ислохотларни татбиқ этишда паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий нотибкор давлат қорхоналарини ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича тўзилган ҳудудий комиссиялар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳудудий комиссияларга Давлат мўлки қўмитаси ҳамда Иқтисодий вазирлик ҳузуридаги Иқтисодий нотибкор қорхоналар ишлари қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда қарорнинг тўлиқ амалга оширилишига қўйилган қорхона ва объектлар бўйича таълиқ қилинганга қадар:

- қорхоналар ва объектларни инвестиция мажбуриятлари билан биргаликда, ҳўжалик бирлашмалари (жамиятларидаги давлат активлари ҳам инвестиция мажбуриятлари асосида бепул берилиши жорий қилинади.

ларини кўзда тутиш ваколатлари ҳудудий комиссиялар ичтёрига берилган.

Ушбу ҳукумат қарорининг ижросини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Давлат мўлки қўмитаси ва Иқтисодий нотибкор қорхоналар қўмитаси томонидан қўшма буйруқлар қабул қилинган бўлиб, унга кўра, инвесторларга қўлай иш имкониятини яратиш учун мақсус бизнес режаси ва қорхона, объектни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шартли билан бепул олганлиги тўғрисидаги тузилган шартномалар лойиҳаси инвесторларга тақдим этиш учун ишлаб чиқилди.

Мажбурият шартномасида инвестор ўз мажбуриятларини асосли сабабларга кўра бажара олмаган тақдирда, уларга қўшимча имконият бериш, сарфлаган харажатлари учун қаролат яратиш, қорхона ва объект йўналишини ўзгартириш ҳамда инвестиция шартини бажариб бўлмаганда кейинги эгаллик қилиш ваколатлари аниқ кўзда тутилган.

Албатта, бу борада, инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб борилади. Улар бажарилмаганда ёки зарур даражада амалга оширилмаганда бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади, бунда мулк ўрнатилган тартибда инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шартли билан қайтадан танловга қўйилади.

Шу кўнларда 60 га яқин қорхона ва объектларни инвесторларга бепул бериш мақсадида Давлат тендер комиссиясига уларнинг рўйхати киритилмоқда. Мазкур комиссиянинг тасдиқдан ўтган сўнг танловлар эълон қилинади. Танловлар ҳар қандай шахслар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Шухрат ЖАБОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Марказий ҳалқ ҳузуридаги Банк-молия соҳасининг ривожланишини прогнозлаш ва эркинлаштириш институтида «Хорижий сармоядорларга банк хизматлари кўрсатиши тақомиллаштириш» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган қўшма қорхоналар, чет эл ташкилотлари вакиллари

Банк хизмати тақомиллашмоқда

ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаятган хорижий сармоядорлар Ўзбекистонда қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар, банк тизимининг тараққиёт йўналишлари, валюта бозорини ривожлантириш

бердилар. Шунингдек, республикамиз банкирлари пул-кредит сиемати, банк соҳасини ислоҳ қилишга оид чора-тадбирлар ҳамда ташқи савдо операциялари амалга ошириш билан боғлиқ хорижий сармоядорларнинг қўлаб саволларига ҳақида батафсил сўзлаб

ҚАРШИ (Ўза мухбири А. МУХАММАДИЕВ).
АҚШ Давлат департаменти ва Global School Foundation халқаро таълим ташкилоти томонидан мактабларга халқаро дипломатик муносабатларнинг муҳим жиҳатларини ўзига акс эттирувчи Веб-лойиҳалар тузиш бўйича эълон қилинган

МАКТАБ ВЕБ-САҲИФАСИ ТАНАЛОВ ҲОЛБИ
танловда Қарши шаҳридаги 34-мактаб жамоаси мақсус сертификат соҳиб бўлди.

дан қатнашган 183 мактаб орасида мазкур мактабнинг Веб-саҳифаси энг юқори баҳо олди.

Билим мустақкам бўлса...

Куни кеча республика Солиқ академиясида «Талаб-ёшлар тадқиқотларида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг илмий асослари» мавзусида аъёнаний илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда қўзғалган мақсад, талабаларда илмга бўлган қизиқишни кучайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини юксалтириш, қолаверса, бозор иқтисодидеги шартномага солиқ тизимини ислоҳ қилишда уларнинг фаоллигини оширишдир.

Анжуманда республика-

миздаги бир қатор олий ўқув юрталари ҳамда академияларнинг талаба ва тингловчилари маъруза қилди.

Анжуман

Жумладан, ўз илмий маърузалари билан қўчқиликда қизиқиш уйғотган Солиқ академияси талабалари У.Хамроев, Ж.Абдуразоқов, Олий Харбий боқжона институтининг тингловчиси О.Худойбердиев, Фарғона солиқ коллежи ўқувчилари А.Идирисов, С.Ибрагимов, Бухоро-

ро солиқ коллежи ўқувчиси Р.Жураевлар академиянинг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

— Масканимизда талабаларга ўз соҳасининг билим-донлари бўлиб етишишлари учун берилган шартномага яратиб беришга ҳаракат қилаямиз, — дейди академиянинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Н.Обломуродов. — Улар билан шуғулланиш, илмий изланишларини рағбатлантириш эса муваффақиятларимиз гаровидир.

З.РАШИДОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

барчага бошисиз, отасиз, ҳаммага бирдай — баравар оталиқ қилинг! дея ўғит бергани, шу оғир бир талай таъсирли, хикматомуз гапларини ҳам айтгани ёдимизда. Чамаси, каттақон мансабга миши шавқиде кулоғи том битган ёш раҳбар бу маслаҳатларни эшитганда, Эшитганда, шуларга салгина амал қилганда ҳам бундай кўйларга тушмасми!

Ешлик деганлари билан имконият экан, у чинакам фазилатга айлангунча қўл қовун пишши даркор экан. Вилоятда раҳбарликка бел боғлаган азамат ўзини хийла босиб олган, ҳаётнинг пасту баландидан кийрой хабардор, бойсунча бир муйойба билан айтганда, ҳеч қурса, тўрт-беш қор босган бўлмоғи лозим экан. Бугун отга минибок, эртасига отаси тенги бир миришқорнинг ёксидан бўғиб дўк-сиебат қилса, у билан сўт-қатикча борса; эгати-эгат дехқонни қувлаб юрса; катта-кичик раҳбарни бир жойга йиғиб, юз-қўзинг демай барини тақрон қилиб ҳақоратласа; хатто, аза-база пойтхатдан борган вазиру вузаро билан сўзлашмоқчи бўлиб турсин, лоқал қўришчи, анчайин саломлашушдан ҳам бўйин товласа... Ушбу урганиш шу эмасми!

Хўп, Тошкент-ку узок экан, қундақунора Сурхондарёга бориб ул «Лилома»нинг босон қадамини ўлаб, зарур бўлса, танобини тортиб келиш имконий йўқдир, лекин атрофидаги қазоқазо амалдорлар нега муш тиллаб турди? Нахотки, шулар орасида «Хой, ука, ўпанкин бос!» дейдиган бирон шеримард топилмади!

Мана, ниҳоят, дард қалавасининг учини қўлимизга илган қўринди...

Бундан тўрт-беш йил аввал, аниқроғи, Алпомини тантаналарига ҳозирлик қўрилатган кезлар пойтхатдан «таширғи буюрган» жиҳазқироқ бир раҳбар ёш қарини тизиб қўйиб, ҳақоратли тарзда сурхондарёликларга оталиқ даъво қилди. Уша дамда асло қерақис андишани бир четга қўйиб, ўртадан чиққан бирор мардум бу бетамиз меймонга худди «ўзининг услубида» даъво қўйгандай эди. Амминизки, у хен қаерга, хен қимга арз қилиб бора олмас эди! Ва тақрон амминизки, унинг кўзи мошдек очилди, шундан кейин, дейлик, Андижоннинг ёки Бухоро томонларга борганида, харчанд хуноби ошганда ҳам, эл билан сўзлашганда қилгин билиб, тилини тийиброқ муомала қилган бўларди!

Таассуфларки, юқорида чизилган манзара ахли «қулук, ака» дегандек сомо тортиб, ёр сўзиб турган ўша лаҳзада! Қулукми, қулукми бу? Шўям андиша бўлдимми? Того ишинизга халал қилди берадиган? Бу ҳўсуят ҳақида Андижондаги сессияда айтилган таънаомуз сўзларни эсланг!

Сессия чоғи сурхондарёликларга нисбатан лутфман, аслида давлаткор бир ибора Президент лафзида бир неча бор тақорланди: «Алпомининг авлодлари...» Халиги шармандали манзара кўл олдинизга келиб, жиҳоллар бўлиб кетасиз. Ва мамлакат раҳбарининг Олий Мажлиси сўнги сессия-

сида қўйниб айтган бошқа бир сўзларни ёдга тушади: «Бизда ғурур, ифтихор бўлмасиз, биз қандай халқ бўлдик?» Оғир, лекин одил гап! Халқ — улғувор тушунча, аму ғурурдан бенасиб бандаси ҳам одамми?!

Шу мавзуга алоқадор яна бир аччиқроқ мулоҳаза.

Бирор тақлиф овозга қўйилганда қарши ва бетарафларимиз йўқлигида шу қадар ишониб, ўрганиб қолганмизки, бу сўзларни ўқиб бераётганида баъзан мажлис раиси қозғондан бош кўта-

яхши» дея беписанд, даласида юмушини қилиб қўраверди. Бунини у алоҳида бир жасорат деб билмайди, эвазига ортиқ бир имтиёз ҳам талаб қилмайди. Ёки — катта дарёнинг нарёғида қонсиргаган бир тўда машъала кўтариб минтақага ўт қўймоқ бўлганда, бутун дунёнинг кўзи шу ерга қадалиб турганда ўша дехқон «Э, художонинг ўзи қўнлар, бошимизда посбонимиз бор-ку!» дея бамайлихотир ўғил ўйлантириш тадоригини қўраверди. Бу ҳолини жаҳон ахборот воситалари шобён

ва ташқи иқтисодий фаолиятни тақомиллаштириш бўйича амалга ошириляётган чора-тадбирлар билан таништирилди.

Давра сўхбати қатнашчиларига тижорат банкирлари вакиллари миҳозларга

қўрсатилаятган банк хизматларининг янги турлари, шунингдек, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида тўпланган тажрибалари ҳақида батафсил сўзлаб

қўнронга етиб бор. Мен сенга эўр бир мансаб, мўмай маош бераман», деб таянлабди. Дўст эртаси кунини шайланма кўрғон дарвозаси олдида ҳозир бўлибди, ундаги соқчиларга арзини айтибди. Қўрғонбонлар унинг арзига қўлак ҳам соймай, «Йўқол бу ердан! Жаноб ҳокимимизнинг сендек яланғок ошоналари бўлишги мумкин эмас!» дея қувиб юборибдилар. Бу ҳол бир неча бор тақорланди, ахйир, дўст аъмолига қўнибди, яна ўша қадрдон бошланасида ямоқчилигини қилиб юраверибди. Бир кун иттифоқо худди шу йўлдан зўр шовқин-сурон ва дабдабао асваса билан ҳўқамою соқчилар қўришюнда талтайиб мансаб аравасида ҳоким ўтиб қолди. Дўст қўлидаги ямоқ-қомонини ташлаб араванинг кетидан юғрибди, «Хой, ошно, мен бу ерданман, бу ердан!» дея қичқирибди. Ҳоким овоз келган тарафга хатто бурилиб ҳам қарамади, соқчилар эса «Жаноб ҳокимининг тинчинини бузмокчи бўлган бул нобакор»ни калтак-калтаклай ҳайдаб солибдилар. Бу манзара ҳам бир неча бор тақорланди. Ниҳоят, кунини етиб, халққа ўтказган зўлим учунини ёки бошқа кирдирокли кийим-бошда, ямоқчилик анжолларини кўтариб эски дўстининг олдида қелибди. «Мен шунча йил ҳокимлик қилдим, нега бирор дафъа ҳўзиримга йўқлаб бормадим?» — дебди ўпқалаб. — Ахир, мен ўшанда сенга таянлаган эдим-ку!» Дўст бунинг сабабини тўшутирибди. «Ахир, неча мартада бундай мана шу йўлдан ўтганман, лоқал бундай бир овозининг чикариб чикарсанг ҳам бўларди-ку?» Дўст бунининг ҳам изохини айтса, «Қачон?! — дебди ҳоким бўлиш таважуби билан. — Қачон? Бирор мартаям овозининг эшитганим йўқ. Хўп, айт-чи, шунча замон қарда эдинг эдинг?» Мана шу ўзинг билган чинорининг тағида эдинг билган касб билан машғул эдинг». Чинор? Қанақа чинорини айтпаёқ?» деган экан шунда хуноби ошган соқиб ямоқчи ҳоким.

Маъкур ривоятдаги раамларнинг

бошпана бўлган азим чинорни, чинор тағида бақамти ўтириб тирикчилик қилган қиёматли биродарини унутармиди?!

Подшо бир вилотга ҳоким тайин этмок мақсадида мансаб қўшини учирибди. Эркин куш чарра-ура-ура келиб, йўл ёксидида қаттақон бир чинор соясиде ямоқчилик қиладиган икки дўстдан бирининг бошига қўнибди. Дархол уни кийинтириб, ясантириб ҳокимлик қўрғонига олиб жўнабдилар. Кетаятганида у шеригига «Эртагаёқ

шархи маълумдир. Яъни, чинор — юрт, ватан дегани; дўст — халқ, раият; ҳоким деганлари эса... ямоқчи!

Ха, аслида шундай бўлмоғи керак! Эл-юртинг кам-қўстидан, қувончу ташвиридан хабардор, доим шунинг ғами билан яшайдиган, шунга масъул шахсина чинакам ҳоким аталмоққа лойиқдир. Акс ҳолда, хашаки бир ҳўла-хўрлиғича қолаверади.

Бугунги замонда раҳбар бўлиш, айниқса, бутун бошли бир вилотнинг бошқариш оосон эмас, албатта. Ҳўла-де-

шундай ор-номусли, сабр-қаноатли одамлар тоифасида кўпроқ.

Қаламга олинган ушбу долзарб мавзу доирасида ҳокимлик тизимининг мавжуд ҳолати тўғрисида фикр билдириш лозим қўрилса, бизнингча, бу масала мамлакатимиз Конституциясида оқилона ҳал этилган. «Бунда муқобиллик асосидаги сайлов йўлини тутган маъқул» дегуви бесабрроқ биродарларимиз ҳам бор, албатта. Биз ҳам ўзимиз демократияга қарши ёки ўтакетган консерватор деб билмаймиш.

Лекин депутатлик баҳонасида сайлов жараёнига аралашиб юриб шунга амин бўлдики, жамиятимизнинг ҳозирги ҳолатида бу усул ўзини оқлагани ишонч йўқроқ. Масалан, вилот ҳокими лавозимига келиб чиқиси ҳар жойдан бўлган уч қишининг, дейлик, бойсунлик, шерободлик ва шўрчиликнинг номзоди ўртага қўйилди. Сайлов чоғи, ишонаверинг, бойсунлик депутатлар — бойсунлик номзодга, шерободлик — шерободликка, шўрчилик эса албатта шўрчиликка ён босади, ўшанга овоз беради. Натижада вилотга эмас, Бойсунга, Шерободга ёки Шўрчиғанига ҳоким сайлангандек бўлиб қолади. Эънинг ораси бузилса, тарафашлик, махаллийчилик баатар авж олади. Демак, ҳозирча сабр қилиб турган маъқул. Вақти келар, ўшанда балки бу ўринга уч эмас, бараварига тўрт-беш номзод қўрсатиладиган бўлар, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида муҳокама қилиниб, шундан кейин ёпиқ овоз бериш йўли билан энг муносибни муайян мўддатга, айтилик, тўрт-беш йилга ҳоким этиб сайланар. Шунда унинг ўзини бу лавозимга лозим топан халқ вакиллари, биробарин, халқ олдидаги ҳисобдорлик масъулияти ортади. Ана ўшанда киминдир айбломқоқа ёки кимдандир норози бўлмоққа асос қолмайди. Ўзингиз пишширган ош — айланб ҳам, ўргилб ҳам ичинизга мажбурсиз. Боғи биродарларимиз орзу қилгандан демократик сайлов шундай бўлса керак. Нима дердик, ўша кўнларга етказсин илоим!

Дарҳақиқат, маъкур тизимнинг бугунги ҳолатини унчалик муаммал деб бўлмас. Ававало, Президент Исом Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек, бу борада депутатлик назоратини кучайтириш ҳамда ошқоралик тамойилини жамиятимизнинг барча соҳаларига қатъий жорий этиш лозим. Бугунги депутатларимизда эса зарур фаоллик етишмаётгани рости. Чўнки ҳокимдан ҳисоб талаб қилмоғи керак бўлган халқ вакилларининг ақсарияти амалдор, ҳокимга тобе. У ёғи эса ўз-ўзидан маълум тағи шу андишабозлик, андиша никобидеги қўркув...

Мамлакатимиз Олий Мажлиси ҳаётида қўтилайтган улкан ислохотлар бу каби ҳолатларга барҳам беришига шўбха йўқ.

...Менинг вилот сессияси миёнберида айтмоқчи дилга тўқанам мулоҳазалар ана шулар эди.

Бугун АҚШнинг Жоржия штатидаги Силленд шаҳрида «катта саккизлик»ка кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг саммити бошланади. 10 июнгача давом этадиган учрашув муҳокама-сига киритилаётган масалалар кенг ҳамровлиги ва долзарблиги билан алоҳида ўрин тутди.

Бошқа юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда ривожланган мамлакатларда

зиденти Туркия етакчисини ҳам минтақадаги, ҳам «катта саккизлик»нинг демократик ҳамкори си-

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Алан Ларсон «катта саккизлик» ҳамкорлида Ироқни тиклашда молиявий ёрдам масаласи бўйича аниқ бир қарорга келиш имконияти мавжудлигини қайд этди.

«Катта саккизлик» саммити

кун тартибида глобал масалалар

Маълумки, «катта саккизлик»ка АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Япония, Франция ҳамда Россия давлатлари кирди.

коррупцияга қарши кураш масалаларини муҳокама қилишда иштирок этишади.

фатида қатнашишга таклиф қилди.

Яқин Шарқдаги вазият, Африка қитъасининг ривожланиши, глобал иқтисодий ўсиш анжуман қатнашчиларининг диққат марказида бўлиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, «катта саккизлик» Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада ислохотлар ўтказишга интилишларни қўллаб-қувватлаш масаласини ҳам қўриб чиқади. Мазкур ҳудудларда ривожланиш масалалари бўйича ташаббусларни муҳокама қилиш мақсадида Жорж Буш Афғонистон, Баҳрайн, Иордания ва Яман давлатлари раҳбарларини ҳам учрашувга чакирган. Шунингдек, АҚШ пре-

Саммит қатнашчилари Ироқ масаласига алоҳида эътибор қаратишлари табиий. Хабарингиз бор, айни пайтда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ бўйича АҚШ ва Буюк Британия томонидан қиритилган янги резолюцияни муҳокама қилаяпти. Бу масала бўйича «катта саккизлик»ка кирувчи давлатлар ҳали бир тўхтамага келишгани йўқ. АҚШ ҳукумати анжуманда мазкур масалаларга ҳам аниқлик киритилишига умид билдирмоқда.

Салим ДОНИЁРОВ.

БМТ ходимлари гаровда

Суданнинг гарбида 16 нафар БМТ ходими гаровга олинди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Нажиб Ал-Хайр Абдул Ваҳоб маълум қилди. Хабарларга қараганда, гаровга олинганлар билан алоқа ўрнатилган ва уларни қутқариш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Бундан бир йиллар олдин фуқаролар уруши сабаб бир миллионга яқин одам ўз уй-жойларини тарк этгандан сўнг БМТ бу ҳудудга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш учун ўз ходимларини жўнатганди.

Бир овоз етмайпти

АҚШ маъмурияти Исроил Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган Газо сектори ва Иордан дарёсининг гарбий қирғоқидан яҳудийлар аҳоли пунктларини кўчириш тўғрисидаги режани қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Мазкур режани 14 вазир ёқлаб овоз берди. Етти нафари ҳали ҳам ўз қаршилигини билдирмоқда. Газо секторидан яҳудийлар аҳоли пунктларини кўчириш ишларини бошлаш учун яна бир овоз етмайпти.

Салим ДОНИЁРОВ.

Ироқликлар ҳам мунозарарада қатнашмоқчи

30 июнда ҳокимиятни ироқликлар қўлга топшириш борасида БМТ Хавфсизлик Кенгашида ҳамон мунозаралар давом этмоқда. АҚШнинг БМТдаги вакили Жон Негропонтеннинг сўзларига қараганда, Ироқ бўйича тайёрланган янги резолюция лойиҳаси бугун Хавфсизлик Кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланиши кутилмоқда.

Бирок ҳокимият янги Ироқ ҳукуматига берилгандан сўнг мамлакатдаги коалицион кучларга ким бошчилик қилиши ХК аъзолари ўртасида мунозараларнинг авж олишига сабаб бўлапти.

Ироқ ҳукумати аъзолари ҳам резолюция лойиҳаси муҳокамаларида иштирок этишни хоҳламоқда.

Иқтисодиёт ўсмоқда

Жанубий Корея президенти Но Му Хён мамлакат иқтисодиётида бу йил 5 фоиз, келгуси йил эса 6 фоизга ўсиш суръати кўзатилишини маълум қилди. У парламент олдида сўзга чиқар экан, мамлакат иқтисодиётида ислохотларни кечиктирмай бошлаш кераклигини таъкидлади.

Журналистларга ҳужум

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳри яқинида Би-Би-Сининг тасвирга олиш гуруҳига номаълум кучлар ҳужум қилди. Оқибатда оператор ва фотожурналист Саймон Камберс ҳалок бўлди, журналист Фрэнк Гарднер жароҳатланди. Ҳозирда у шифохонага ётқизилган.

Утган ҳафтада Би-Би-Сининг бу икки ходими Хубар шаҳрига жўнатилинган эди.

Текшириш тўхтатилади

МАГАТЭ Эроннинг ядро дастурини ўрганишни яқин бир неча ойларга тўхтатиб туришни режалаштирмоқда. Агентлик раҳбари Муҳаммад Ал-Барадеи бу ҳақда маълум қилди.

Расмий Техроннинг маълум қилишича, Эроннинг ядровий дастури тинчлик характерида эган.

Собиқ президент Вафот этди

XX асрнинг буюк сиёсатчиларидан бири, АҚШнинг собиқ президенти Рональд Рейган 93 ёшида Лос-Анжелесда вафот этди. У охириг пайтларда альцгеймер касаллиги билан оғриганди.

Хабарларга қараганда, собиқ президент пайшанба кuni Калифорния штатидаги Сими Вэлли шаҳрига дафн этилади.

«Роллан Гаррос»:

ҲАМЮРТЛАР ФИНАЛИ



«сехрли куч» олиб, қолган уч сетни 6:4, 6:1, 8:6 ҳисобида ютиши ўзининг томоша қилаётганларнинг ҳайратдан оғзини ланг очирди. Уин тугаб, Гаудио ғолиб деб эълон қилинганда ҳам баъзилар туш кўраётгандай ўтиришарди.

Теннис бўйича Франция очик чемпионати қўрилди. Тантаналар бошланганидан бир неча кун олдин мамлакатдаги барча аэропорт, денгиз портлари ва вокзаллар синчиқлаб текшириб чиқилди ҳамда доимий назоратда бўлди. Тадбир ўтказилган Арроманш шаҳри 17 минг кишилик полициячи ва ҳарбийлар томонидан қўрилди. Бу ишга чет эл махсус хизмати вакиллари, жумладан, америкалик ҳарбий хизматчилар ҳам жалб этилди. Шунингдек, ҳавода 80 та ҳарбий самолёт навбатчилик қилди.

Тантаналар тугади. У тарихга ҳақиқатнинг тан олиниши, иккинчи жаҳон урушида ҳар бир давлатнинг ўз ўрни борлигини кўрсатган тадбир сифатида кирди.

Интерспорт

Теннис бўйича Франция очик чемпионати қўрилди. Тантаналар бошланганидан бир неча кун олдин мамлакатдаги барча аэропорт, денгиз портлари ва вокзаллар синчиқлаб текшириб чиқилди ҳамда доимий назоратда бўлди. Тадбир ўтказилган Арроманш шаҳри 17 минг кишилик полициячи ва ҳарбийлар томонидан қўрилди. Бу ишга чет эл махсус хизмати вакиллари, жумладан, америкалик ҳарбий хизматчилар ҳам жалб этилди. Шунингдек, ҳавода 80 та ҳарбий самолёт навбатчилик қилди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Ўн икки соатда ёзилган роман

Чехияда пайшанба кuni 24 соат мобайнида китоб ёзилиб, шу кунийёқ босмадан чиқарилди. Бу ҳали жаҳонда кузатилмаган рекорд кўрсаткич. Ҳаммуаллифлар 12 соат мобайнида 70 вақалар романи ёзиб тугатдилар. 15 соатдан кейин китоб Чехиядаги барча китоб дўконларига тарқатилди.

Уч мингдан ортиқ бино...

Таиланд пойтахти Бангкокдаги 700 та иморат тушиши мумкин. Бу ҳақда Сингапурда чоп этиладиган The Straits Times газетаси хабар тарқатди. Бундан ташқари, Таиланд ички ишлар вазири ўринбосари Прамуала Руджанасерининг сўзларига қараганда, уч мингдан ортиқ бинонинг ағаб қетиши хавфи бор.

Утган ҳафтада ўн бир қаватли савдо маркази қулаб тушганди. Оқибатда ўндан ортиқ одам жароҳатланди.

Демократия

мустақкамланиши шарт

НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер Украинанинг альянсга аъзо бўлиб кириши учун мамлакатда демократия мустақкамланиши шартлигини маълум қилди. Бугун НАТО ва Украина ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш борасида меморандум ва Украина ҳарбий авиациясидан альянс операцияларида фойдаланиш тўғрисида битим имзоланиши кутилмоқда.

Тарихий ҳақиқат қарор тонди

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан эришилган ғалабада қайси давлат ҳал қилувчи роль ўйнади? Узоқ йиллар бу масалага ижтимоий тузум нуктаи назаридан баҳо берилди. Собиқ СССР тарихчилари, иккинчи фронт очилганини рад этмасида, фашизмни янчишда асосий оғирлик советлар елкасига тушди, Францияга иттифоқчилар армияси туширилмаганда уруш сал чўзилиши мумкин эди, лекин биз барибир ғалаба қозонардик, дейишган бўлса, АҚШ, Буюк Британия ва Франциялик олимлар ғалабада собиқ СССР ролини тан олмасликка ҳаракат қилишди. Уларнинг фикрича, урушнинг тақдир Москва остонасида, Сталинграддаги жангларда эмас, Гарбий Европада ҳал бўлган.

1944 йилнинг 6 июнь кuni Нормандияга 180 минг кишилик иттифоқчилар қўшинлари туширилган эди. Утган яқшанба кuni ушбу санага 60 йил тўлди. Шу муносабат билан Франциянинг Арроманш шаҳрида тадбирлар бўлиб ўтди. Тантаналарда собиқ аскарлардан ташқари, 17 та давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. АҚШ президенти Жорж Буш, Россия президенти Владимир Путин, Франция президенти Жак Ширак, Буюк Британия қиролчаси Елизавета II ва Бош вазири Тони Блэрларнинг тадбирда қатнашиши тантана нуфузини яна ҳам оширди.

Шарҳловчиларнинг фикрича, В. Путиннинг тадбирда иштирок этиши урушда иккинчи фронтнинг аҳамиятини Россия томонидан тан олиниши бўлди. Шу билан бирга, Россия президентининг 60 йиллик тантаналарга таклиф этилиши иттифоқчилар иккинчи жаҳон урушидаги ғалабада собиқ СССР ролини тан олмасликка ҳаракат қилишди. Уларнинг фикрича, урушнинг тақдир Москва остонасида, Сталинграддаги жангларда эмас, Гарбий Европада ҳал бўлган.

1944 йилнинг 6 июнь кuni Нормандияга 180 минг кишилик иттифоқчилар қўшинлари туширилган эди. Утган яқшанба кuni ушбу санага 60 йил тўлди. Шу муносабат билан Франциянинг Арроманш шаҳрида тадбирлар бўлиб ўтди. Тантаналарда собиқ аскарлардан ташқари, 17 та давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. АҚШ президенти Жорж Буш, Россия президенти Владимир Путин, Франция президенти Жак Ширак, Буюк Британия қиролчаси Елизавета II ва Бош вазири Тони Блэрларнинг тадбирда қатнашиши тантана нуфузини яна ҳам оширди.

Шарҳловчиларнинг фикрича, В. Путиннинг тадбирда иштирок этиши урушда иккинчи фронтнинг аҳамиятини Россия томонидан тан олиниши бўлди. Шу билан бирга, Россия президентининг 60 йиллик тантаналарга таклиф этилиши иттифоқчилар иккинчи жаҳон урушидаги ғалабада собиқ СССР ролини тан олмасликка ҳаракат қилишди. Уларнинг фикрича, урушнинг тақдир Москва остонасида, Сталинграддаги жангларда эмас, Гарбий Европада ҳал бўлган.

ГОЛЛАНДИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИДАГИ МОЖАРО



Футбол бўйича Европа чемпионати бошланишига бир неча кун қолганида ушбу мусобақада бош совригача даввогарлардан бири — Голландия терма жамоасида келиб чиққан келишмовчилик футбол мухлислари ва мутахассислари эътиборини жалб қилди. Гап шундаки, Голландия тер-

етакчиси Рафаэль ван дер Варт ўйнаши маълум эканини маълум қилди.

Мураббийнинг фикри "сиркаси сув кўтармайдиган" Кларенсга ёқмади, албатта. — Мен айнан майдон ўртасида самарали ўйин кўрсатишга тайёрман, — деди футболчи матбуот анжуманида. — Майдоннинг бошқа қисмида тўп суришни ўйлаб ҳам кўрмайман. Агар Дик Адвокатнинг қарори бошқача бўлса, унда захира ўринидаги ўтирганим маъқул.

Уз навбатида Дик Адвокат ҳам анча қайсар мураббий чиқиб қолди. У жамоанинг ички иши бўлган бу мунозарани омма эътиборига ҳавола қилиб, "айтишув"ни давом эттирмоқда. — Менимча, майдон марка-

зида Рафаэль ван дер Варт Кларенс Зеедорфга нисбатан яхшироқ ўйнайди ва уни асосий таркибга қўйиш эҳтимолимиз кўпроқ, — деди бош мураббий. — Буни Кларенсга айтсам, у фикримга қўшилмади. К.Зеедорф профессионал ўйинчи сифатида хис-туйғуларини жоловлаб олиши лозим. Қолаверса, у ҳар қандай ҳолатда ўйнаши мумкин, дегани учун терма жамоага олганман.

Ҳозирча, етакчи ўйинчи ва бош мураббий можароси нима билан тугаши ноаниқ. Устига-устак мухир ярим ҳимоячи Шимолий Ирландия терма жамоасига қарши ўтказилган сўнгги ўртоқлик учрашувининг иккинчи бўлимида майдонга тушиб, оёғидан жароҳат олди. Жароҳат қанчалик жиддий эканини

мутахассислар тиббий кўриқдан сўнг аниқлаб беради. Устоз ва шогирд можароси бошқа ўйинчиларнинг кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатган кўринади. Чунки ўша кuni голландияликларнинг ўйини жамоа мухлисларига умуман ёқмади. Уйинда 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган футболчиларни мухлислар хуштак-бозлик билан "кузатиб" қўйди. Ваҳоланки, бир ҳафта олдин маҳаллий телевидение ходимлари аҳоли ўртасида махсус суровнома ўтказиб, ишқибозларнинг терма жамоага нисбатан ҳурмати ва ишончи баландлигини маълум қилганди.

Зоҳир ТОШҲҲАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Корхона қурилиш молларини таклиф этади. Улгуржи нархларда. Линолеум, Гулқоғоз (СОБОИ), Ламинат ва бошқа қурилиш материаллари.

Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади. ШИНА. ЮК МАШИНАЛАР УЧУН, АВТОБУСЛАР УЧУН, ТРАКТОРЛАР УЧУН, ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН. Улгуржи нархларда.

Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи. «Фулонг Индустириал» ҚК. ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ СОТАДИ. Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!



Яхши бир оила қутилмаган зарбадан довдираб қолди. Сабаби — ўғил бировнинг омонатига хийнат қилди. Пул ўғирлади. Бу воқеа 2001 йилнинг 5 августда содир бўлди. Қажрамон Алиев ўки шериги билан Охангарон шаҳрида яшовчи Бобоқоновларнинг уйига ўғирликка кирди.

Жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар судининг 2001 йил 27 сентябрдаги ҳукми билан айбдорлар жазосини олди. Лекин белгиланган жазо бирқадар ноҳилис эди. Чунки жиноятчи тиркалган ҳолда жиноят курали ҳисобланмаган «Волво-740», «Тико» русумли машиналарни ҳам суд давлат фойдасига мусодара қилиб юборганди.

НОХОЛИСЛИК

Икки машинанинг мусодара этилишига олиб келди. Кассация ажрими ҳукми ўзгартириганида эса «Волво-740» ва «Тико» аллақачон сотиб юборилган экан

— Машиналарнинг бири меники, иккинчиси келинимга тегишли эди, — дейди Қажрамоннинг отаси. — Бирок на терговда, на судда бу ҳисобга олинмади. Хатто, воқеа содир бўлган кун «Волво — 740» машина билан бўзилгани сабабли устaxonада, таъмирлашда бўлганини айтса ҳам кулоқ солишмади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ ислохоти амалга оширилаётган бугунги кунда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоқадор идоралар раҳбар ходимлари ягона бир талаб қўйилган. Бу ҳолисликдир. Ана шу ҳолислик институтига амал қилинса, ҳеч бир фуқаро жабр кўрмайди. Қилмиши тўғрисида берилган жазони рад этолмайди. Еки идорама-идора юриб, ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳожат қолмайди.

Қ. Алиев ва бошқаларнинг ўрғилиши ишнинг тергов қилган Охангарон шаҳар ИИБ терговчиси Баҳодир Бобоқоловга биз юқорида таъкидлаган ҳолислик этишмади, дейишимизга асос бор.

Терговчи Қ. Алиевга тегишли бўлмаган «Волво-740» ва «Тико»ни жиноят куралига айлантиришга зўр беради. Дастлабки терговдаёқ машиналарнинг жиноятга мулкҳо алоқаси йўқлиги, автоулов улар ўғирлик содир этган шахсларга тегишли эмаслиги айтилади. Лекин терговчи негадир бу далилга ноҳилис ёндашади. Хатто, машина эгаларини терговга қақришмаган ҳам.

Охангарон шаҳар прокурори тасдиқлаган «Айбаш ҳулосаси» асосида Жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар суди судьяси О. Тўрабеков ушбу иш юзасидан ҳукм чиқарди. Энг ажабланишли, судья ҳам автомашиналарнинг кимга тегишли эканлигини, жиноятчи Қ. Алиевнинг ушбу машинага эгалик ҳуқуқи бор-йўқлигини аниқлашга ҳаракат қилмади. Суд мажлисида машина эгаларини сўроқ қилмай, ҳолатларни ўрганмай, автомашиналарни давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳулосага келади.

— Мен ота сифатида ўғлимнинг айбини оқламайман. У аҳмоқлик қилиб, бировнинг уйига ўғирликка тушганини рад этмайман

ҳам. Жиноят қилдимки, жазосини олсин. Жазосини олди ҳам, — дейди Р. Алиев. — Лекин йўқ нарсадан чопон бичишининг нима кераги бор? Ахир оқи қора дейиш инсофданми?

Хали айтилганидек ишга ноҳилис ёндашилгани бир қатор эътирозларга сабаб бўлди. Ота хафа, она хафа, оилада ҳаловат бўзилган. Келин машинасининг асосиз мусодара қилинганидан норози. Устига-устак ноқобил ўғил ўри деган тавқиланганга ботиб, уйдагиларнинг юзини шувут қилди. Бу ёқда суд ҳам уларнинг эътирозларини ҳисобга олмади, ҳукм чиқарди.

Журналист суриштируви

Лекин ҳақ қарор топишига ишонган Алиевлар умидсизланмади. Ишни охирига қадар қарор қилишди. Уларнинг адвокати кассация инстанция судига, сўнг ишни назорат тартибда қўришларини сўраб, Тошкент вилояти судига мурожаат қилди. Афсуски ҳеч нима ўзгармади.

Биринчи босқич суд ҳукми ўзгаришсиз қолаверди. Нихоят масалага Олий суд ойдинлик киритди. «Дело»ни обдон ўрганиб чиққан Олий суд расмининг биринчи ўринбосари шу иш юзасидан Тошкент вилояти суди кассация судлов хайъатининг 2001 йил 8 ноябрдаги ажримининг бир қисмига назорат тартибда протест киритди. Протестда дастлабки тергов даврида ва судда Қ. Алиев бошқарувида бўлган машина кимга тегишли эканлиги атрофида текширилгани, Алиевнинг унга эгалик ҳуқуқи бор-йўқлиги ҳамда қандай тартибда бошқариб юргани аниқланмагани айтилади. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 9.103-бандида автомобиль, мотоцикл ва бошқа транспорт воситалари маҳкумга тегишли бўлиб, ашёвий далил, деб топилса улардан қасддан содир этилган жиноятда маҳкум ёки унинг

шериклари курали сифатида фойдаланган бўлса, Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ мусодара этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Нихоят, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раёсатининг ўтган йил 4 августдаги қарорига биноан протест қаноатлангилди. Сўнг 2003 йил 14 август кунини вилоят суди кассация судлов хайъатининг очик суд мажлиси ушбу ишни кўриб чиқди. Хайъатнинг 288-сонли кассация ажримига кўра, Охангарон шаҳар судининг 2001 йил 10 августдаги ҳукмининг бир қисми ўзгартирилди. Шу

пед баҳосида сотилган эди. Масалан, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «Волво-740» автомашинаси 2002 йил 1 майда 250 минг сўмга, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» 2002 йил 3 март кунини 300 минг сўмга сотилганига нима дейсиз?

Очилини айтганда бу ҳолдан Охангарон шаҳар суди ижрочилари ҳам лол қолишди, чоғи. Шу боис улар нима қилишни билмай, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раёсатининг судьяси раисини мажлисга ташкирлаш беришларини сўраб, ариза ёзишди. Аризада ҳар икки машина ҳам фуқароларга сотиб юборилганини асослаш сўралди. Бунга жавобан суд ариза оқибатсиз қолдирилган, чунки суднинг 2003 йил 14 августдаги кассация ажримига кўра автомашиналар ўз эгаларига қайтарилиши шартлиги кўрсатилганди.

Жабрдийдаларнинг юқори суд инстанцияларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини, тегишли идораларнинг масъул раҳбарлари ушбу жиноят ишнинг ўрғилиши ёки ҳукмининг бекор қилиши мумкинлиги, қолаверса Алиевларнинг шикоятлари тўхтамаётганлигини биланларини ҳолда суд ижрочиларининг теъориклари ҳам сергақ тортирмади. Тўғри, улар ўша маҳал етти ой ичида суднинг ҳукми ижросини таъминлагандлар. Лекин нимагадир қарийб ўн ойдан бунён Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судлов хайъатининг 288-сонли кассация ажрими талабини бақарилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин. Қонун олдида барча баробар эмасми?

Инокр этмаймиз, Охангарон шаҳар суди ижрочилари бўлимаси катта суд ижроси У. Холматов 2003 йил 17 ноябрда Акмал Икромов туманидаги ҳамқасби — катта суд ижросидаги автоуловларни ўз эгаларига қайтариш тўғрисидаги ижро варақасини худуд бўйича ижро қилишга юборган. Лекин ижро таъминланмапти. Хўш энди нима бўлади? Ноҳилис бошланган иш ичкадай чўзилиб, сансалорлигича қолаверадими? Еки машиналар ўз эгаларига қайтариладими?

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Life's Good LG

№1 В МИРЕ

Кондиционеры

JET COOL GOLD

Адрес: г. Ташкент, ул. Куш-Беги, 18. Тел./факс: 115 2280, 50 0419, моб.: 186 2151, 128 1738

Бехрўз — рус тили билимдонини

Истеъод ва муваффақият эгизак. Қозғистоннинг Алматы шаҳрида миллий мактаблар битирувчилари ўртасида рус тили бўйича ташкил этилган халқро таъновда Бехрўз Аҳмадалиев бунин яна бир қарра исботлади.

Чуст туманидаги лицей-интернатда таълим олаётган Бехрўз МДХнинг 12 та мамлакатидан келган 70 нафар тендош ичида рус тилини пуқта билиши билан барчани лол қолдирди.

Ўзбек, тожик, рус тиллари билан бир қаторда инглиз тилини ҳам мукамал эгаллаган Бехрўз таънов голиби бўлди. Энди у Россиядаги истаган олий ўқув юртига имтиҳон синовларисиз қабул қилинади.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ҚОДИРХУЖА ЎҒИЛЛАРИ» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм

59 000 сўм

45 000 сўм

56 000 сўм

Улгуржи харидорларга чегирмалар берилди.

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-68, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақлиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

Телефонлар: 169-47-62, 169-59-30

Ширкат ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари диққатига!

ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ

сизларнинг истакларингиз, тақлиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.

Куйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маълум бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишда ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

Хисоб китоб турли шаклда.

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар иси-шарифи	Телефонлари
I. Қашқадарё вилояти				
1.	731101, Қосон шаҳри, й. Охунбоев кўчаси, 55-уй.	ТТЗ «Қосон-сервис»	Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи.	код 37559, 32262, 32697
2.	731308, Ғузор шаҳри, «Пахтазор» маҳалласи.	ТТЗ — ММТП Ғузор	Зарипов Соатмурод Малевич	код 37555, 22234, 21397
II. Сурхондарё вилояти				
3.	733000, Денов шаҳри, Остонакулов кўчаси, 107-уй.	ТТЗ «Сурхондарё-сервис»	Чориев Абдусалом Гафорович, Эшонкулов Тўхтасин, Хусанов Абдурахмон, Шауманов Тура Шоуманович.	код 37641 24601, факс: 21826 код 37641, 31388 код 37647 51778, уйи: 51578 код 37631, 22047
4.	733808, Сариев шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй.	ММТП «Сариосиё»		
5.	733414, Олтинсой тумани, Корлўқ кўрғони, Охунбоев кўчаси, 24-уй.	ММТП «Олтинсой»		
6.	Ангор тумани, «Талимарон» хўжалиги, 1-бўлим, «Қорасув» маҳалласи.	ММТП «Ангор»		
III. Хоразм вилояти				
7.	741600, Хонқ шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 2-уй.	Хоразм техника маркази	Юсупов Маматсалой, Қаландаров Қадам.	код 36239, 91932, 92809 уяли: 1545062
8.	740008, Хонқ тумани, У. Юсупов кўчаси.	Янгибозор		
IV. Жиззах вилояти				
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй.	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222, 31821, 31526
V. Фарғона вилояти				
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи.	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Маҳмуд Холматович	код 3732, 255733
VI. Наманган вилояти				
11.	718003, Наманган шаҳри, «Шимолый санаят зонаси», Поляковский к., 19-уй.	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922, 40764
VII. Қорақалпоғистон Республикаси				
12.	743700, Тўртқил шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй.	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраинов Илхомбой Давлатович	код 361 5323293 2214975, 2211200

ESENYA курилиш-инжиниринг ФИРМАСИ

ЛОЙИХАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ; БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ; БАССЕЙНЛАР; АКВАПАКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибутори ва етказиб бериувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ хизмаларини техник экспертизадан ўтказиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб беришимиз.

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Каххор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

Организация реализует со склада вТашкенте:

КАБЕЛЬ (аввг, ввг, асб, аашв, кг, кввг, тпл, пв, апв, ппвн, пунп, и т.д.)

ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ (речники, трансформаторные подстанции, дизель-генераторы)

Товар сертифицирован

СВЕТИЛЬНИКИ (лпо, лсп, нсп, рсп, рку, и т.д.)

ЛАМПЫ (лд, дрл, днат, и т.д.)

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ ВНЕШНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д. Дом быта «Ўзбекистан», 5-этаж Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84 E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

ESENYA Bau- und Handelsinvestition GmbH Trauerent - Deutschland

ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРТА МЕҲР БИЛАН

Тошкент архитектура-курулиш институтини жамоаси Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Х. М. Убайдуллаевга ўғли **Ҳабибулло УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтини жамоаси Чарни буюмлари технологиясини кафедрасининг профессори С. Мақсудов ва илмий-тадқиқот бўлимининг бошлиғи У. Мақсудовларга оналари **САЙЕРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтини ректорлиғи, клиника ва жамоат ташкилотлари Умуий жароҳлик кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Аҳмад Холжаевич ЯНГИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон нефть ва газ санаяти илмий-муҳандислик жаҳияти жамоаси бошқаруви раисининг ўринбосари Раънохон Хусанжоновга онаси **Муборакхон ХУСАНЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини, И. Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтини жамоаси ихтисослашган илмий кенгаш масъул котиби, доцент **Жўрақул Маҳмадова** онаси **Анояр ва Тўққизованин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: **Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»), **П. ДЮГАЙ**, **Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), **Л. КУЧЕРЕНО** (масъул котиб — «Народное слово»), **М. МИРАЛИМОВ**, **С. МУҲИДИНОВ**, **Ш. РИЗАЕВ**, **А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), **И. САФАРОВ**, **И. УТБОСАРОВ**, **А. ҲАЙДАРОВ**, **Ҳ. ХОШИМОВ**.

БЎЛИМЛАР:

Иқтисодий-саноий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 669, 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **Б. ФАЙЗИЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. Орипов**. Навбатчи муҳаррир — **У. Файзиева**. Навбатчи — **Ю. Бўронов**, **Мусаххид** — **М. Ёқубова**.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.25. 2 3 4 5 6